



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 1 май, №92 (3204)

Пайшанба



Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki

## Кўламу ва миқёси кенг дастурлар

Кеча ЕТТБ доимий ишловчи Матбуот марказининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни марказ раҳбари Шерзод Қудратхўжаев бошқарди. Йиғилишда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари шу йил 4-5 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкнинг XII йиллик йиғилиши ҳамда унинг доирасида ўтказиладиган Бизнес-анжуманининг дастури билан таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси ўринбосари Ш. Абдуллаева, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки матбуот шўбаси ходими Ю. Зильберман бизнес-анжумани ёритиш билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳусусида сўз юритдилар. Таъкидландики, Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтказиладиган ана шу нуфузли анжуманда 5 нафар давлат раҳбари, 6 та мамлакатнинг Бош вазири ўринбосари, 34 нафар ва-

зир, шу жумладан, 21 нафар молия вазири, 7 нафар иқтисодиёт вазири, 2 нафар савдо вазири, 4 нафар ташқи ишлар вазири, 22 нафар вазири муовинлари, 12 нафар Марказий банк раиси ва ўринбосарлари, 554 нафар расмий ҳайъат аъзоси, 600 нафар ишбилармон, 200 нафар яқин чет эллик мухбир, 125 та новдалар ташкилот вакиллари, махсус меҳмонлар ва ҳомийлар иштирок этди. Ўзбекистонга ташриф буюрган делегацияларнинг умумий сони 61 тани таш-

қил қилади. Ўзбекистон тарихида биринчи марта 59 та давлат делегациялари ташриф буюрмоқда. Шунингдек, уларнинг орасида Европа Иттифоқи ва Европа Инвестиция банки делегациялари ҳам бор. Улар 2-4 май кунлари соат 8.00 да 20.00 гача «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида рўйхатта олинди. 3 май кунлари соат 13.30 да «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида «Ўзбекистон Республикасининг экспорт ва инвестицион салоҳияти» кўргазмаси очи-

лади. Бу экспозициянинг умумий майдони 1000 квадрат метр бўлиб, кўргазмада Ўзбекистон тўғрисидаги ахборот-иллюстрация материаллари, шунингдек, 100 дан зиёд компания, қўшма корхона, ЕТТБ кредит линияси бўйича ташкил этилган кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда республикамизнинг бошқа корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилади. Соат 15.00 да эса Халқаро бизнес марказининг «Алишер Навоий» за-

лида Ўзбекистон Республикаси Инвестицион анжуманининг расмий очилиш маросими бўлади. Унда Бош вазир У. Султонов ва ЕТТБ президенти Ж.Лемьер иштирок этди.

4 май соат 9.00 да «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг «Амир Темур» залида ЕТТБ Бизнес-анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда шу кунга Ўзбекистон Республикасининг тақдироти ҳам ўтказилди. Соат 15.00 да эса «Туркистон» саройида ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши XII йиллик йиғилишининг биринчи сессияси ўз ишни бошлади.

Йиғилишда, шунингдек, ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик йиғилиши ва унинг доирасида ўтказиладиган тадбирларни ёритиш учун аккредитация қилишга буюртма берган журналистларга рўйхатдан ўтиш, махсус бейжиклар ва бошқа маълумотларни олиш юзасидан тушунчалар берилди.

НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига асосан фавкулдада вазиятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган Халқаро ўқув машғулотлари ўз нихосига етди. Тўрт кун мобайнида 8 та мамлакатнинг 120 дан ортиқ кўтарувчилари кучли эйлила натижасида вайрона ҳолига келган турар жойлар, саннат иншоотлари остида қолган аҳолини қутқариш, фуқароларни сув тошқини ва сел ҳолатларидан ҳимоя қилиш борасида тўплаган тажрибаларини ўзаро ҳамкорлик асосида намойиш этдилар.

Фаргона — 2003



## Хавфсизлик чегара билмайди

Ўқув машғулотларининг тўртинчи кун қутқариш ишларида қатнашган Арманистон, Грузия, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон вакиллари шартли равишда ер қимирлашдан сўнг вайронага айланган йирик саннат объектга тўпланишди. Улар 21 мамлакатдан келган кўтарувчилар

Ешларобод қишлоғидаги ўйингоҳда халқаро ўқув машғулотларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Машғулот қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Фавкулдада вазиятлар вазири, ўқув машғулотлари ташкилий қўмитаси раиси ўринбосари, милиция генерал-майори Бахтиёр Субонов

қаро ўқув машғулотлари ўз олдига қўйган вазифани шараф билан бажари, деб айта олам. Чиндан ҳам, Ўзбекистонда, хусусан, Фаргона вилоятида машғулотларга пухта тайёргарлик қўрилганлиги намойён бўлди. Шу сабабли ўқув машғулотлари аввалгиларига нисбатан кам сифат, ҳам ўзаро муносабатлиқ борасида яқин натижалар кўрсатди. Айниқса, мени турли мамлакатлардан ташриф буюрган, турлича тайёргарлик ва маҳоратга эга бўлган кўтарувчиларнинг яқин ҳамкорлик тизими вужудга келганлиги қувонтирди. Шу туфайли ҳам НАТОнинг тинчлик йўлида ҳамкорлик дастури ташкилотчилари ҳамда ўз номидан Ўзбекистон ҳукумати, Фаргона вилояти ҳокимлиги, қоллар, халқаро ўқув машғулотлари ташкилотларига миннатдорчилик билдирам.



Ўз мухбиримиз.

### Хушхабар

Парижда ёш скрипкачиларнинг III халқаро танлови бўлиб ўтди. Бу танловда Франция, Германия, Россия, Швейцария, Сербия, Жанубий Корея, Литва ҳамда Ўзбекистон давлатларидан жами 60 нафар икромчи иштирок этди.

### Францияда танлов ғолиби бўлишди

Ўзбекистонлик ёш созандавлар — Глиэр номидаги республика махсус мусика академик лицейи 7-синф ўқувчиси Тоҳиржон Яхшибоев, Успенский номидаги республика махсус мусика академик лицейи Грес Гафаров ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги Иқтидорли болалар академик лицейи 1-курс талабаси Дмитрий Исақов унда фахрий уринларни қўлга киритишди.

Гуларо АБДУЛЛАЕВА.

## Иқтисодий салоҳиятимиз кўриги

Тошкентда Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкнинг Бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик йиғилиши очилди. Кун тобора яқинлашмоқда. Бу халқаро анжуман доирасида «Ўзэкспомарказ»да йирик кўргазма ҳам ташкил этилади. Шу йил 3 майдан иш бошлайдиган ушбу кўргазмада иқтисодиётимизнинг устун соҳалари, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг экспозициялари намойиш қилинади. Бошқача айтганда, у мамлакатимиз иқтисодий, инвестицион ва экспорт салоҳиятининг ҳақиқий кўригига айланади.

Тадбирларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва «Ўзэкспомарказ» расмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Республикамиз пойтахтида «OGU-2003» халқаро кўргазмасининг еттинчи марта ташкил этилиши бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимизнинг иқтисодий ва инвестицион салоҳияти ҳусусида гап кетганда, энг аввало, бой нефть ва газ конларимиз кўз олдимида намойён бўлади. Улар аслида Ўзбекистон ёнилғи-энергетика мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи янги-янги истиқболлар ва имкониятлар манбаидир. Ҳукуматимиз мазкур тармоқни ривожлантиришни устувор вазифалардан бири этиб белгиланишининг боиси шунда. Бу қандай самара бери-

1991-1999 йиллар мобайнида нефть ва газ конденсати қазиб олиш 3 баробар, газ қазиб олиш эса 1,4 баробар ўсди. Шу билан бирга, ўтган даврда Қўқдумалоқ, Алан, Урга каби янги конлар ишга туширилди, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва Хўжабод ерости газ омбори барпо этилди.

Шуртангаз киме мажмуи қурилиши туғалгани, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи таъмирдан чиқарилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш бўйича ишлар чiqилган улкан лойиҳани амалга ошириш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк ва ЕТТБ томонидан 90 миллион АҚШ доллари миқдоридега кредит ажратилган эди. Бу сармояни ўзлаштириш ҳисобига газ конденсатини тозалаш, олтин-гургурт ишлаб чиқаришни компьютер орқали бошқариш каби вазифалар амал-

га оширилди. Яқин келажакда ушбу лойиҳа тўлиқ рўйга чиқарилса, корхонада йилга 5,9 миллион тонна нефтни қайта ишлаш ва ундан 1,500 минг тонна турли ави бензин, 300 минг тонна аликеросин, 2,01 миллион тонна дизель ёнилғиси, 1,170 минг тонна мазут, 200 минг тонна мойлаш материаллари ва 280 минг тонна кокс тайёрлаш имкони яратилади.

Янги кўргазмада бу ўзгаришларнинг ҳаммаси ўз аксини топади. Шу маънода, «OGU-2003»ни Ўзбекистоннинг ўзига хос инвестицион анжумани, дейиш мумкин. Негаки, у сармоядорларни юртимизнинг бой минерал-хомашё базаси, юқори ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳияти билан яқиндан таништирибгина қолмасдан, балки иқтисодиётимизнинг ана шу устувор секторига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳам кўмаклашади.

И. ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

6-8 май кунлари эса мазкур марказда «Нефть ва газ» («OGU-2003») халқаро кўргазмаси ва конференцияси бўлиб ўтди. Бу кўргазма ва конференциянинг ташкилотчилари Буюк Британиянинг «ITE Group Plc» компанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори «Itesa-Osiyo» компанияси бўлиб, уларда 50 дан зиёд хорижий компания иштирок этди. Ана шу

нигоҳи остида кўргазмада чиқаришни намойиш қилдилар. Грузиялик кўтарувчилар ўргатилган итлар ёрдамида вайрона остида қолган одамларни ахтарган бўлса, юртимиз вакиллари эйлиладан жиддий зарар кўрган кимёвий ашёлар сақланаётган омборни зарарсизлаштириш, атрафга зарарли моддалар тарқаб кетишини тез ва талафотсиз олдини олиш мақсадларини намойиш қилишди.

Фурсатдан фойдаланиб, халқаро ўқув машғулотлари қатнашчилари ва кўзатувчилари билан мулоқотда бўлишди. Стiven Орж — НАТОнинг ўқув-амалий машғулотларидаги вакили, Евроатлантика табиий офатлар ва ҳалокат таъсирини мувофиқлаштириш маркази директори. — Мен ҳеч ихтилолмамай хал-

## Техника — ютуқлар гарови

«Ўзқилишқўқалиқмаш-холдинг» компаниясининг асосий вазифаси мамлакатимиз аграр соҳасининг техника ва зарур эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳисобланади. Жаммо бу борада муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, ўтган йилги натижалар саломат бўлди. 44,9 миллиард сўмлик трактор, тележка, культиватор ва сеялқалар ишлаб чиқарилиб, дехқонларга етказиб берилди.

Кейинги пайтга компанияда экспортга мақсудот жўнатиш миқдори ошиб бормоқда. Мазкур, ўтган йили 5,87 миллион АҚШ доллари ҳаминдаги техника Россия, Тожикистон, Туркменистон ва Туркия давлатларига жўнатилиди. Шунингдек, Хитой билан ҳамкорликда Тошкент трактор заводида тайёрланаётган минни тракторлар ҳам сифати ва қулайлиги билан фермерларга маълум бўлмоқда.

Тизимдаги корхоналарда импорт ўрини босадиган, жаҳон андозлари талабларига жавоб берадиган асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилиб, турли тармоқларга етказиб бериляпти. Бу халқ хужалигининг бир маромада фаолият кўрсатишини таъминлаш билан бирга, катта миқдордаги валютани тежаш имконини ҳам бермоқда.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар замонавий, лўнэ талабларига жавоб берадиган техника воситаларини ишлаб чиқармоқда.

Кеча компания акциядорларининг ўтган йил якунидаги бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўлга киритилган натижалар билан бирга келгусидаги режалар ҳам муҳокама қилинди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири. Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Х. КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## «Умид ниҳоллари-2003»

Фарзандлари соғлом, мард ва жасур, ватанпарвар, маънавияти етук бўлган жамият бадавлатдир. Чунки халқ ўзининг улуг мақсадларига, фаровон ҳаётга ана шу фарзандлари орқали эришади. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз бугунги кунда фарзандлар тарбияси ҳақида, уларнинг ҳар тарафлама баркамол бўлиб воға етиши учун қайғураётми. Бунинг учун шароит яратишга интиляпти. Мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг аянанага айланаётгани ҳам фикримизнинг далилидир.

## ЭПЧИЛЛИК ВА МАҲОРАТ БАЙРАМИГА АЙЛанади

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ўтказиладиганининг мақсади, унинг мазмун-моҳияти барчамизга аён. Келажакимиз юрчиларининг жамоний ва маънавий баркамол, соғлом қилиб тарбиялаш, мактаб ўқувчилари ўртасида спортга бўлган қизиқишини янада ортиришидир.

Маълумки, ўтган йили ушбу бахсларнинг республика босқичи Фаргона вилоятида мунофақатли ўтказилган эди. Ушундан беллашувлар якунланган. «Умид ниҳоллари» байроғини хоразмлик ёшлар қабул қилиб олишганди. Айни кунларда қадимий воҳда — Хоразм-

да ушбу байрамга қизгин тайёргарлик қўриляпти. «Умид ниҳоллари» — 2003 республика спорт мусобақалари финал босқичига биз ўтган йилнинг июнь ойидан бошлаб тайёргарликка киришганмиз. Бу борада вилоят ҳокимлигида барча вазифалар аниқ белгиланди, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Исмомов. — Мутахассислар билан спортнинг 12 та тури бўйича спорт мусобақалари ўтказилиш жадвали ва режалари ишлаб чиқилди. Беллашувларни намунали ўтказиш учун спорт иншоотлари, стадион ва майдонларни сифатли таъмирлаш ва уларни зарур спорт анжомлари билан таъминлашга киришилди.

Финал ўйинларида мамлакатимизнинг 3 минг нафарга яқин мактаб ўқувчилари иштирок этдилар. Вилоятнинг 17 жойида ўтказилган мусобақаларга тайёргарлик ҳозирда



яқинловчи паллага кирди. Меҳмонларни қутиб олиш, жойлаштириш, маданий дастур тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу ишларга нафақат мутахассислар, балки бутун Хоразм бош қўшаётганлиги қувонarli ҳолдир. Ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари кенг миқёсда олиб бориляпти. Йўллар қайта таъмирланиб, ирригация тармоқлари янгиланмоқда.

Спорт иншоотлари ва ўйингоҳларини таъмирлаш ишида вилоятдаги барча қурилиш ташкилотлари фаол қатнашаётди. Айниқса, Урганч шаҳридаги Хоразм спорт мажмуини таъмирлаш ишлари жадал сурьтада олиб бориляпти.

Ўйингоҳни таъмирлашга 3 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу ерда 1000 нафар ҳурувичи меҳнат қиляпти. Бу ерда 104 ўринга мўлжалланган меҳмонхона ва ресторан, очик сув ҳаёзаси, капагит таъмирдан чикши арафасида. Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис ва бошқа спорт майдончалари қурилмақда. Ўйин-

гоҳлар учун хориждан 25000 донна пластмасса ўриндиқлар ва электрон табло келтирилди. Германиянинг «Politan» фирмаси билан 345000 АҚШ доллари миқдорига тузилган шартномага қўра, ўйингоҳнинг югуриш қисми резина билан қопланыпти.

Қурилиб турибдики, Хоразм вилоятида республика мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари — 2003» спорт мусобақаларининг финал босқичи ўйинлари кунтидагидек бўлиб ўтди. Алпомунилар камол топётган юртда бунга барча шарт-шароит муҳайё.

Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Қадим ОТАЕВ олган суратлар.



## Сизни Олий хўжалик суди раиси эшитди

Илгари хабар қилингандек, кеча Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси Мирзоулуғбек Абдуломов билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари мухбирлари ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Сизим орқали сўхтабда турли касб эгалари — тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, дехқон ва фермерлар қатори оқий фуқаролар ҳам иштирок этишди. Уларнинг қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Икки соатдан ортиқ давом этган мулоқотда хўжалик судларининг фаолияти ва хўжалиқларро баҳали масалалар ечимини топишдаги роли, шунингдек, иқтисодиёт соҳасидаги қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, ҳар хил қўриқилган қонбузарликларнинг олдини олишда хўжалик судлари амалга ошираётган ишлар ҳусусида фикр юритилди.

Хўжалик юрutiвчи субъектларини иқтисодий ноқонрақдан чиқариш, шартнома шартларини бажаришдаги масъулиятини оширишда, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суднинг одиллик принципини муҳимлигига эътибор қаратилди. Хўқўқий демократик жамият қуришда судларнинг мустақиллиги муҳим эканлиги мулоқот чоғида бот-бот тақдорланиб турди. Қизгин баҳс-мунозара рўқотда ўтган мулоқотнинг тўлиқ матнини газетамизнинг келгуси сонларида ўқийсиз.

## Мурувватнинг адоғи ўйқ

Сирларё туманидаги «Мурувват уйи» ташкил этилганга ўттиз йил бўляпти. Ушбу масканда бугун 200 нафар ногирон ва алоҳида парварнишга муҳтож беморлар яшамоқда. Энг асосийси, «Мурувват уйи»га хайр-саховат кўрсатувчиларнинг қўнайиб бораётганлар. Ўтган йили улар 700 минг сўмлик хайр-эхсон олгандилар. Барча тадбирлар ана шу маблағ ҳисобига ўтказилди. «Эксона», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» хайрини жағғарчилари, «Сирларёнинг», «Сирларёнинг» корхоналари, бир қатор хўжалиқлар ва фермерлар «Мурувват уйи»га доимий ёрдам беришни йўлга қўйишди.

А.ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

"Тошкент" республика фонд биржасини, таъбир жоиз бўлса, қимматли қоғозлар савдоси бўйича энг йирик ихтисослашган марказлардан бири, деб аташ мумкин.



ЭНГ ЗАМОНАВИЙ БОЗОР

унда қандай қилиб даромад топиш мумкин?

Айни чоғда республика-мизда рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган уч мингта ҳиссадорлик жамиятидан 600 тасининг акцияси мазкур биржа бирламчи бозорига жойлаштирилган.

Қатор йирик фонд бозорлари акциялар олди-сотдисини ривожлантириш ва айланма маблағларни кўпайтиришда бой таърибга эга. Ана шулардан келиб чиқиб, "Тошкент" республика фонд биржаси ҳам сўнгги пайларда жаҳон амалиётдан кенг фойдаланишни йўлга қўймоқда.

Хусусан, бу ерда биржа бозорига жалб этилаётган мижозлар акциялар курсларининг ўзгариб туриши, Бонус мукофоти ўйини ва унинг иштирокчиларига берилган солиқ имтиёзларидан эмин-эркин фойдаланиш ҳолида акциялар олди-сотдисидан яхшигина даромад олишлари учун қўлай шароит яратилди.

Хабарингиз борки, яқинда ҳукуматимиз томонидан фонд бозорини қўллаб-қувватлаш мақсадида унинг иштирокчиларига бир қатор имтиёзлар берилди. Хусусан, Солиқ кодексига қўйилган маблағлар биржанин утган йилги айланма маблағидан утган ҳисобот йилининг ўн ойда эса Бонусни рабағлатлаштириш учун 11 миллион сўмдан зиёроқ маблағ ажратилди.

Улар ўн битта маҳаллада яшайдилар. Салкам қирқ минг аҳоли истиколат қилаётган бу кишлоқ Кужгон деб аталади. Чуст дўппилари билан танилган Махубахон Қодривова, чорроққина ҳовлидан ташқари кўча бўйларидаям узум парварлишлаган Незматжон Турсунов, самбо бўйича Осие маликаси Хувайдо Раҳматуллаева, хушновз хонанда Санобар Раҳмонова, Илҳом Жўраевлар ҳам Кужгондан.

Кужгоннинг мунабвар тонглари

Обод маҳалла - бизнинг маҳалла. Хизмат қиладиган, авлодан-авлода ўтиб келаётган гўзал ва бетакор удумларимиз умрини узайтирадиган, ўтмиш билан бутунимизни қиёслагувчи ишларга эътибор қаратмоқдалар. Қишлоқ аҳли ўз сайҳаракати билан Девонабой ота мақбарасини тикладилар. Заргарона маҳорат билан рангин гиштлардан тикланган бу обиди Шарқ мейморчилигининг чинакам намунаси. Яна бир гап. Тумандаги ягона музей ҳам шу кишлоқда барпо этилган.

Тадбир

Маълумки буюк келажакни қуриш, янги-янгиларни амалга ошириш ва катта мақсадларга эришиш учун, аввало, малакали мутахассислар, етук кадрлар керак бўлади.

ИҚТИСОДЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Молия институтининг малакали бухгалтерлар ва аудиторларни етиштиришга ихтисослашган Хисоб-иктисод факультетида ҳам юқори савияга эга, малакали мутахассислари тайёрлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Кўни кеча талабалар билиминини чуқурлаштириш ва зехнини чарқлаш мақсадида кафедра жамоаси факультетда «Бухгалтерия ҳисобини қим қилиш» мавзусида викторина кечасини ўтказди.

Тадбирда академгурӯҳларнинг «Замонавий бухгалтерлар» ва «Зиё» жамоалари олти шарт бўйича ўзаро кул синашди. Б. Ҳасанов ва профессор А. Сотиқовлар раҳбарлигида ташкил этилган ушбу тадбир кескин беллашувларга бойлиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Қонун ўрганилмоқда

Пойтахтимизнинг Сирғалда туманида Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий хизмат тўғрисида» Қонуни кенг ўрганилмоқда. Туман мулоффа ишлари бўлими ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази Сирғалда тумани бўлими ходимлари маҳалларда бўлиб, қонуннинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида армия сафига қақирдлувчи ёшлар, уларнинг ота-оналарига тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Садриддин аканиннг чорбоғи

Садриддин ака деганимиз Навоий вилоти ўсимликлар карантини инспекциясида етакчи инспектор вазиғасида ишлайди. Яшаш жойи Хатирчи туманидаги 78-мактабнинг шундоқ ёнгинасида. Илғоқ биқинидаги 20 сотих нари-берисидаги ташландиқ ерга кўзи тушганида ич-ичидан эзлишини кўп давраларда айтгани ҳам рост. Чор-атроф обод, лекин бу ер шох сўзанадаги ямоқдек хунук кўриниб туради. «Шу ерни сўраб олиб боғ қилсамкин?», деган фикр уни тинчлик бермай қўйди.

Мақтаб директори Гулом Рузиевга маслаҳат ариаш ларида айтганида, у ҳам раъйини қайтармади. Шу-шу Садриддин аканиннг оиласи ўша бир парча ердан бери келмай қолди. Турли ахлату тош-чинкилардан тозалагач, чуқур қазиб, 200 тул мевали дарахт кўчати эринмай рисоладагидек ўтказиб қиқди.

Аслида Садриддин ака пулга кўчат сотиб оладиганлардан эмас. Томорқасида турфа хил дарахтлар бор. Нафақат кўни-кўшилар, балки бутун маҳаллани ниҳол мевачева билан таминлайди. Сал ўтмай ажабтовур чорбоғ кўзга ташланди. Еш ниҳоллар орасига бугдой, маккажўхори, турли хил кўкатлар уруғини сеғди. Қарабонизи, ниҳоллар бехато кўкарди, гафла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олинди.

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мақсадли кредит — фермерга мадад

Исмоил Арслонов Наманган тумани фермерларидан бири. Ер эгаси деган мақомга аллақачон эришган. Ҳақини таниб олгунча тайёрлов ташкилотлари ҳамда таъминотчилар билан муносабатларда анчагина қўйинчилик ва муаммоларни бошидан кечирган. Масалан, бултур пахта тасини озиклантириш даврида минерал ўғит учун ажратилган транш маблағларини қутиб, роса чарчади. Бъзган ёнидгимоёлаш материаллари олишда ҳам шундай ҳолатларга дуч келди.

Бунга қадар, юқорида таъкидланганидек, қаражатларни қоплаш банкка келиб тушадиган транш маблағларига боғлиқ эди. Улар қатъий тартиб бўйича мажбурий равишда фақат белгиланган ҳисоб рақамларига ўтказиб бериларди. Бу тартиб амалда мулк эгасининг иқтисодий эркинлигини чеклаб қўяр, фермерларнинг кўплаб маблағи қайсибир таъминотчи идорара оилаб қолиб кетишига олиб келар, пировардида молиявий танқисликларни келтириб чиқарарди.

Бугун янгиликдан фойдаланган Наманган вилоти фермер кўжаликларининг аксарияти «Пахтабанк» мижозларидир. Молиявий муассаса вилот бошқармаси мутасаддиларининг айтишларича, банкда ўз ҳисоб рақамини очган етти юздан зиёд ер эгаси, имтиёзли кредитлашининг самараси ўлароқ, ҳосил йиғим-теримга қадар кўтармаж даромадининг 50 фоизига бўлган қисмининг бемалол харажат қилишлари мумкинлигини тезда тушуниб етдилар.

Янги замон одамлари



Кўзирқи туманидан бешта фермер сафарга отланадиган бўлди. Тошкент шаҳридаги «Чинобод» сиаҳатгоҳига — дам олишга. Қўлла-рида — йўланма. Кўнгилларида — қувонч. Аслини сураганимиз-ку, улар унча-мунча фермерлардан эмас. Ҳар қайсисининг 400 гектардан зиёд ери бор. 150-200 нафар ишчиси йилни яхши яқунлади. Мўл гафла, пахта етиштириди.

Йўлга чиққан беш баҳодир

Машинаниннг эшигидан бир илож қилиб чиққан. Қондани бузган дайдовчи «Бизини шифохонага элгин, қара, шериғимнинг аҳоли оғир, ўлиб қолиш мумкин», деб ялинган. — Йук, — деган бўйнига чиройли бўйинбоғ тақиб олган дайдовчи. Сўнг ғуфтақни ростав қолган. Улар бир илож қилиб йўловчи машинада шифохонага етиб олишган.

Бу хабарни эшитиб Арабалининг кўз олдн қоронгилашди. Бешов фермер бир жойга тўпланса, суҳбат тантилик ва нотантилик ҳақида кетди. — Нотантилик ҳам одамларнинг бир-бирларига меҳрибонликларидан келиб чиққанлиги, — дейди Абдусеитов Чориев. Уларнинг мунозираси диққатини тортди. — Мен ҳам жим ўтирмаман. — «Фирдус Нише деган одам, иш, лавозим, рўзгор тебратиб ташвиши одамларнинг бир-бирларига бўлган меҳрларини сўндириб юборди, деб айтган», дейман. Ва гапнинг тизасини ошироққ учунини, Нише немис файласуфини, зўр одам бўлган, деб қўшиб қўяман.

Мен бўлса ўзбек файласуфиман, — дейди Жиянкул Рустамов ўзини чиндан ҳам файласуф қўлаётганига вақти чоғ бўлиб, — Немис файласуфининг бу гапига мултоққ қўшилмаслигининг кўнгирик қилиб, у кишига айтиб қўйишингиз мумкин. — «Нише минг тўққиз юзичи йили вафот қилган», деган гапни ҳамсуҳбатларимга билдирмоқчи бўладман. Жиянкул ака, бунинг аҳамияти йўқ, дегандай кўл сийлатди. Гапни донд эйтирди. — Иш борки — меҳр бор. Рўзгор, бола-чақа борки — одамгарчилик бор. Беш-олти фарзандни одам беш-олти қара тавабгай бўлади. Оқибатгай, қаноатгай бўлади. Одамларнинг бир-бирларига меҳри

Х. БОҚИЕВА, Тошкент молия институтининг катта ўқитувчиси.

Қонун ўрганилмоқда

Пойтахтимизнинг Сирғалда туманида Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий хизмат тўғрисида» Қонуни кенг ўрганилмоқда.

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Садриддин ака деганимиз Навоий вилоти ўсимликлар карантини инспекциясида етакчи инспектор вазиғасида ишлайди.

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Аслида Садриддин ака пулга кўчат сотиб оладиганлардан эмас.

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Улар ўн битта маҳаллада яшайдилар. Салкам қирқ минг аҳоли истиколат қилаётган бу кишлоқ Кужгон деб аталади.

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хизмат қиладиган, авлодан-авлода ўтиб келаётган гўзал ва бетакор удумларимиз умрини узайтирадиган.

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мақсадли кредит — фермерга мадад. Исмоил Арслонов Наманган тумани фермерларидан бири.

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кужгоннинг мунабвар тонглари. Обод маҳалла - бизнинг маҳалла.

Бугуннинг гапи

"Ота фарзандини осмондан туширган бўлса, устоз унга сабоқ бериб, шогирдининг мавқеини осмон қадар кўтаради".

Аллома Шайх Саъдий устоз ва мураббийлар обрў-эътиборини шу қадар юксак даражада баҳолаган эди. Дарҳақиқат, устоз ва шогирд ўртасидаги муносабат, айниқса, Шарқ халқларида ниҳоятда қадрланиб, ҳеч бир қонунда қайд этилмаган аънаналар асосида шаклланиб келган. Аммо...

# УСТОЗ ОТАДАЙ УЛУФ

Бу шарафли номга кимлар доғ тушираяпти?

Одатгаддек, иш куни эди. Тахририятимизга келган мактубларни кўздан кечираётимиз. "Очиқ хат"ни ўқиб қолдик. У пойтахтдаги олий ўқув юртликлари бирининг ректорига талабалар томонидан ёзилган мактуб нуسخаси бўлиб, айрим домлаларнинг тамағирлиги баён этилган эди. Бизни бу иллат устозлар ва шогирдлар ўртасида ҳам илдиш отаётгани чуқур ўйлангандир.

ҳам айтадиларки, куш уясида кўрганни қилади. Айтайлик, мактабдаги бир синфда 30 дан зиёд бола ўқийди. Уларга тарбия бераётган киши чин маънода мураббий бўлмаса, ўқувчининг қай тарзда "сабоқ" олишини тасаввур қилиш қийин эмас. Демак, боланинг тўғри тарбияланишида, унинг келажакда қандай одам бўлиб етишишида ота-онанинг ўрни қанчалик муҳим бўлса, ўқитувчи, мураббийнинг ҳам ўрни шунчалик масъулиятли. Аммо таълим берувчининг ўзи бу шарафли номга муносиб бўлмасми?

Одатда узоқ вилоятлардан ўқишга келаятган йигит-қизларга ота-оналари шаҳарда эҳтиёт бўлишларини, ёмон болаларга қўшилмасликларини, ўқитувчиларнинг ўғитларига қулоқ солишларини тайинлашади. Умрида кўрмаган, танимаган кишиларга катта ишонч билдиришади. Чунки биргина ўқитувчи деган номнинг ўзи ота-она ишончининг кафолатидир. Бундай шарафга ҳар қандай касб эгаси ҳам сазовор бўлолмайди. Бу ишонч йўқолса, ўша кундан бошлаб

ўқувчининг ҳаёт ҳақидаги эзгу тасаввурини бутунлай ўзгариб кетиши турган гап. Масаланинг хавотирли томони шундаки, бутун ўқишни чўнтагига ишониб битирган талаба эртага яна худди шу "қонда" билан ишга киришга, шу тарзда мансаб пиллапоярларини забт этишга интилади. Бутун фаолияти давомида бу иллатни бошқаларга ҳам "юқтиради". Тасаввур қилинг, бундай шахс шифокор бўлса, ўртага бир инсоннинг ҳаёти тикилади, агар ҳуқуқшунос бўлса, бутун бир оиланинг тақдирини бўзиб юборади.

Яқинда Ўзбекистон теле-радиокомпаниясининг "Тошкент" телеканали орқали бериб бориладиган "Пойтахт шарҳи" кўрсатувига ҳам айнан шу муаммо — айрим мактаб олий ўқув юртлирида учраб туралган тамағирлик ҳолатлари таҳлил этилганини кўриб яна бояги хат ёлимизга тушиди. Ростки, кўрсатув муаллифларининг мавзуга бу даражада журъат ва қатъият билан ёндашишлари кўпчиликни бир зумда ўзинга жалб этди. Ҳаммаимиз зўр қизиқиш билан талабалар ва ўқувчиларнинг қайси фандан баҳо олиш учун айрим домлаларнинг қанча пул

талаб қилаётганликлари ҳақидаги ҳикояларини тинглай бошладик. Талабалардан бири шундай деди:

— Биз битта курсда йигирма икки киши ўқиймиз. Ҳар бир сессияда ҳаммамиздан камда 50-60 минг сўм пул кетади. Баъзи бир фаилардан олинадиган баҳо-ларни ҳам тушунамиз... лекин инсоф ҳам керак-ку!..

Талабанинг гапириш оҳангидан кўриниб турибдики, бу унинг учун табиий ҳолат. У худди бозордаги нархдан нозизи харидорга ўхшаб кетади. Чунки бу иллатнинг умуман бўлмаслиги хусусида эмас, имтиҳонларнинг "қиммат"лигига уруғ берапти. Шунга кўникканлигидан, масаланинг маънавий томонидан ташвишга тушмаяпти.

Айбни фақат домлалардан ахтариш ноқониз, талабаларда ҳам камчилик бордирки, шундай ҳолатлар рўй бераётгандир, дегувчи кишилар топилар. Тўғри, хатоси бўлмаган киши камдир. Лекин, ҳар не бўлганда ҳам мураббий, устоз деган сўзни бу тарзда сунистеъмол қилиш уят-ку! Дунё яралибдики, ёзилма-

ган ва лекин ҳамма биладиган бир қонун бор. У инсонийлик, виждон қонунидир. Агар ҳар бир ишга мана шу талаблар нуқтаи назаридан ёндашсак, жамиятда ҳал этилиши лозим бўлган мавжуд муаммолар бирмунча камаярмиди? Бир пайтлар алломалардан бирига жамиятдаги иллатларни қай тарзда йўқотиш мумкин, деб мурожаат қилганларида у лўндагина қилиб: "Ҳаммаси виждонга боғлиқ", деб қўя қолган экан.

Бу мавзуда сўз юритилган мақсад кимларнидир танқид қилиш эмас, жамоатчилик эътиборини ушбу муаммога қаратиш, холос. Жамиятда бундай нуқсонлар борлигини айтишдан эмас, яширишдан хавотирланиш керак эмасми?

Ҳар қандай ота-она ўз фарзандининг билимли, одоб-ахлоқли, маънавий жиҳатдан ҳам баркамол инсон бўлиб етишишини истаيدди. Инсониятнинг азалий орузларидан бири ҳам шу. Бу орзунини халдан ўтказиб буюқ аллома Абу Наср Форобийнинг "Фозил инсонлар шаҳри" асарини ёлга тушади. Фозиллар шаҳри аҳолиси бир-бирига доимо ҳурмат-эҳтиромда бўлади.

Ота-она ва фарзанд, устоз ва шогирд ўртасида шаклланиган ўзаро муносабатда ишонч, меҳр ҳамда салоқат доимо устун турлади.

Мустақил ҳаётга қадам қўйган ҳар бир киши ўз устозларини чуқур миннатдорчилик туйғуси ила ёлга олиши табиий. Ҳозирда юртимиздаги турли ўқув масканларида ўз касбига фидойи, ўқувчиларга катта меҳр билан сабоқ бераётган минглаб устозларни биламиз ва уларга доимо таъзим бажо келтираемиз. Зеро, чинакам оқилона таълим шогирдлар онгини ҳам, хулқини ҳам ўзгарилади.

Рустам БОЙТЎРА,  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ,  
"Халқ сўзи" мухбирлари.



## Янгилıklar, воқеалар, далиллар

### Вазирлар Маҳкамаси тасдиқланди

Фаластин маъмуриятининг қонунчилик кенгаши Рамоллоҳдаги махсус мажлисида Абу Мазен раҳбарлигидаги янги ҳукумат таркибини маъқуллади.



Бош вазир томонидан таклиф қилинган вазирлар рўйхатини 85 депутатдан 51 нафари кўллаб-қувватлади, деб хабар беради "РИА Новости" агентлиги.

Кузатувчиларнинг фикрича, яқин кунларда Исроил ва Фаластинга "Яқин Шарқ тўртлиги" томонидан ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" тинчлик режаси тақдим этилади.

### Саддам Ҳусайннинг қарзлари тўланадими?

Ироқ Саддам Ҳусайн режимининг қарзларини тўлаши керак эмас. Бағдодда Ироқнинг вақтинча маъмурияти раҳбари, америкалик истеъфодаги генерал Жей Гарнернинг ироқлик муҳолифат партиялар етакчилари билан бўлиб ўтган учрашувда ана шундай тўхтамга келинди.

"Газета ру"нинг маълумотига қараганда, учрашувда Саддам Ҳусайн режими амалга оширган ҳаракатлар учун жавоб бермаслик ҳақида ҳам қарор қилинган.

### Қуролли тўқнашув

Туркия жануби-шарқда турк ҳарбийлари ва курд жангарилари ўртасида қуролли тўқнашув юз бериши оқибатида икки нафар турк аскарлари ҳалок бўлган ва уч нафари яраланган.

Расмий маълумотларга кўра, ходиса Бинголь провинциясидаги тоғли ҳудудда содир бўлди.

"Рейтер" мухбирининг хабар беришича, айни пайтда Туркия жануби-шарқда 12 миллион курд яшайди. Туркия ҳукумати ва курдлар ўртасидаги зиддиятлар ўнлаб йиллар давом этмоқда, унинг оқибатида 30000 дан зиёд киши ҳалок бўлди.

### Террорчилар фаолиятига йўл йўқ

Покистон ҳукумати тақиқланган террорчи гуруҳларнинг ўз номини ўзгартириб яна фаолият юритишига йўл қўйилмаслигини билдирди.

Мамлакат ички ишлар вазири Маҳмуд Файзал Солиҳ Ҳайат баъзи террорчи гуруҳлар номини ўзгартириб яна иш юритиши бошлагани қайд этилганини таъкидлади, деб хабар беради "Рейтер" мухбири. "Шунинг учун биз уларга расмий огоҳлантириш юбордик ва зарур чоралар кўришимизни билдирдик".

### Ғайриоддий зотилжам туғрайли

Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўз йиғилишида ғайриоддий зотилжам касалигини қайд этилган давлатлардан келган фуқароларни мамлакатга кириши маъни этилиши ҳақида қарор қабул қилди, деб хабар беради "РИА Новости" агентлиги.



Худди шундай қарор Уммон, Кувайт, Саудия Арабистони, Қатар ва Баҳрайн ҳукуматлари томонидан ҳам қабул қилинган.

### Журналистлар учун энг хавфли давлат

Колумбияда номаълум шахслар томонидан икки нафар журналист ўлдирилди. Журналистлардан бири — Гильермо Браво Вега маҳаллий газетада ушбу ҳудуд ҳокимиятининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларини фош этмоқчи эди. Хайли Ренкиф эса телевидениеда фаолият юритаётганди, деб хабар беради "Рейтер" мухбири.

Фуқаро уруши домида қолган Колумбия журналистлар учун дунёдаги энг хавфли давлат ҳисобланади.

### Газетада босилмади, аммо...

Шаҳрисабз туманидаги Дукчи қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳўжамурод Аллаев тахририятимизга мактуб йўллаб, 33 йил бир дорихонада малҳам тайёрловчи бўлиб ишлаганини, пенсияга чиққач, саломатлиги ноқорлашиб даволаниш учун маблағ топишда қийналиб қолганини баён этганди. Биз унинг аризасини тегишли ташкилотларга

## МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

юборгандик. Шу муносабат билан республика "Дори-дармон" давлат акциядорлик уюшмаси бошқаруви раиси О. ХОДЖИМЕТОВ ва Қашқадарё вилояти Солиқчи саноат бошқармаси бошқаруви Р. РАҲМОНОВдан расмий жавоблар олдик.

Жавобларда таъкидланишича, мутахассислар масалани жойига чиқиб, ат-

роғлича ўрганишган. Қашқадарё вилояти "Дори-дармон" давлат акциядорлик бирлашмаси томонидан отахоннинг аҳолидан хабар олиб туриш учун алоҳида ходим бириктирилган. Наврўз байрами арафасида 20 минг сўмлик ёрдам пули берилган. Бундан ташқари, бирлашманинг 2003 йил 3 апрелдаги йиғи-

лици қарорига кўра, Тошкент шаҳридаги Касб касаликларини илмий текшириш институти клиникасида даволаниши учун унга 35 минг сўм миқдорда маблағ ажратилган.

Бирлашмадагилар ҳамкасбларига келгусида ҳам имконият барражасида ёрдам кўрсатиб боришга сўз беришган.

**COSCOM 7 YILLIGIGA YANGILIK**

**BIRINCHI YANGILIK**

**HAQIQIY BERPUL ULANISH**

**SIM KARTA BILAN**

**1 DAN 31 MAYGACHA**

Тел: 180 00 00, 181 00 00, 182 00 00

# Ёш гроссмейстерлар баҳси ниҳоясига етди

Бир ҳафта мобайнида шахматнинг осийлик ёш ихлосмандлари нигоҳи Фарғонага қаратилди. Саккизта мамлакатдан ташриф буюрган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар Осийнинг энг кучли ёш гроссмейстери унвони учун кураш олиб бордилар.

Турнирнинг кескин ва мurosасиз курашларга бой бўлганлигини голиблар фақат сунгги турдагина аниқлангани ҳам яққол кўрсатиб турибди. Қизлар ўртасида голиблик шохсупаси вьетнамлик ёш шахматчи Хоанг Ти Бао Трамага nasib этди. Иккинчи ўринни ўзбекистонлик Юлдуз Хамроқуллова, учинчи ўринни қозғистонликлар вакили Гулмира Даулстовалар эгаллади.

Ўсмир йигитлар ўртасидаги мусобақалар эса кутилмаган натижаларга бой бўлди. Дастлаб турнирда

юртимиз вакили Темураев, эронлик Сайид Жавадлар пешқадамлик

### Шахмат

қилишган бўлса, пировардида голиблик қозғистонлик шахматчи Рауан Манкеевга nasib этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса С. Жавод ва Т. Гареевлар ўзaro бўлиб олишди.

— Илгари ҳам ўсмирлар ўртасидаги қатор турнирларда голибликни эгаллаганман,— дейди турнирнинг олтин медалга соҳиби Рау-

ан Манкеев. — Лекин бу чемпионатда голиб чиққанлигимни энг катта ғалаба деб ҳисоблайман.

Турнир ташкилотчилари ҳар бир қатнашчининг қобилияти, маҳоратини алоҳида тақдирлашга ҳаркат қилишди. Қизлар ўртасида «Энг ёш қатнашчи» совринига фарғоналик Тахмина Турдалиева, ўсмирлар орасида эса Қатар мамлакат вакили Аль Сулайти Фахадлар сазовор бўлишди.

Голибларга медал ва совринларни Фарғона вилояти ҳокими А. Отабоев ва Ўзбекистон шахмат федерациясининг президенти, халқаро ҳакам Х. Турдалиев топширдилар.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.



Суратга тикилиб туриб бу гўзал фаршита қайси раққоса эди-я, дея ўз-ўзинга савол беришингиз аниқ. Турки, у асли раққоса эмас. Лекин санъатни, кўй-қўшиқни, рақсга тушишни жуда севади. «Ҳаётимни буларсиз тасаввур қилолмайман-да», дейди у билан суҳбатлашсангиз. Ва айни пайтда асосий касби — ўқувчиликни ҳам қадрлайди. Янгиер шаҳридаги 1-ўрта умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериш билан бирга, уларда санъатга ошуфталикни уйғотишга интилади. Зеро, санъатни севаган дилда ҳамшиа эзулик яшайди.  
СУРАТДА: Матлубахон Бобоева.  
Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

# Оқсоқоллар, нима дейсиз? Кутубхона — кутаётган хонами?

Обод маҳалла йили баҳона гузарларимизнинг обод бўлиши тезлашди. Уларда чойхона, новвойхона, сартарошхона, дорихона сингари одамларнинг кундалик эҳтиёжларига хизмат қиладиган жойлар ташкирланди, қурилди. Бу қилинаётган ишларнинг ҳаммаси хайрли. Бироқ маънавий эҳтиёжларга хизмат қиладиган муассасалар, хусусан, кутубхоналарга эътибор берилмапти. Ҳатто матбуотда, радио ва телевидениеда Обод маҳалла йилига бағишлаб эълон қилинган мақолалар ва чиқишларда умуман бу ҳақда гапирилмапти ҳам. Наҳотки, маҳалла учун кутубхона қасбдороначилик зарур бўлмаса?

Шу нуқтаи назардан газиетантида эълон қилинган «Маданиятга эътибор — маънавиятга эътибор эмасми?» номли мақолада кўтарилган масалалар чуқур ўйлаб кўрса арзийдиган...

Мамлакатимизда 9 мингга яқин маҳалла бор. Илгари бу маҳаллаларнинг кўпчилигида кутубхоналар мавжуд эди. Бизнинг эътиборимиз, «Маблаг йўқ», деган баҳоналар билан уларнинг кўпчилиги ишламай қўйди, бинолари тижорат дўконларига бериб юборилди, таъмирга муҳтож бўлиб, вайрона ҳолатга тушиб қолди. Ҳозир ишлаб турганлари эрталаб соат 9дан кеч соат 18 гача, яъни маҳалла аҳолисининг аксарияти ишла ёки ўқишда бўлган пайтда ишлайди. Фуқароларнинг китоб, газета-журнал ўқишга вақтлари бўлган пайтларда эса улар беркилади. Буни ақсинча қилиш керак. Иккинчи томондан, ишдан ҳориб қайтгандан кейин буларга китоб, газета-журнал олиб бериш зарур. Шунда маҳаллаларимиз ҳам имкони йўқ. Худди шу ҳолат ҳам маҳаллаларда кутубхона бўлиши зарурлигини кўрсатади.

Хар бир қишлоқда халқнинг маънавий қиёфасини ўстиришни истовчи инсонлар борлиги шубҳасиз. Улар ва маҳалла фаоллари кўмаги билан кутубхоналарни тикласа келиб қуриб беришар, деб ўтириш бугунги кунда қўлиги ҳол.

Кутубхонани шакллантириш билан боғлиқ бўлган молиявий масалаларни ҳам маҳалла кучи билан ҳал қилса бўлади. Кутубхона учун хоналар гузарлардан топиш мумкин. Китоб фонди масаласини хонадонларда фойдаланилмай ётган адабиётлар ҳисобидан ҳал этиш имкони бор. Ҳар бир хонадон 2-3 талон китоб ҳаля қилса, қийос. Агар маҳаллада 500-600 хўжалик яшашини ҳисобга оласак, анчагина адабиёт йиғилади. Қолаверса, бадиий-илмий адабиётлардан ташқари бекор ётган мактаб дарсликлари ҳам тўланади. Моддий жиҳатдан ноҳор ёки дарсликларни дўконлардан топа олмаётган оилаларнинг фарзандлари бемалол бу китоблардан фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, газета-журналлар масаласини ҳам шу усулда ижобий ҳал қилса бўлади. Тегиши тушунтириш ишлари олиб борилса, кўпчилик ўзлари обун бўлган газета-журналларни ўқиб беришга кутубхонага беришди, улардан бошқалар ҳам баҳраманд бўлади. Қолаверса, ҳозирги кунда қатор дўконлар, қасбдорона, сартарошхона, ошхона, чойхона сингари муассасалар маҳаллалар оқибат бурчлидир. Улардан келадиган даромадларнинг бир қисминини ана шу савоби ва хайрли ишга ажратиш мумкин. Шунда маҳаллаларимиз ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бой, обод жойларга айланади.

Рисолат РУСТАМОВА, ўқитувчи.

### «Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

### Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Г. ПРОХОРОВ, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Н. САФАРОВ, И. УТБОСАРОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ХАЙДАРОВ, Ҳ. ХОШИМОВ.

### БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-саноий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92  
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65  
Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 136-13-60  
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар — 133-52-55;  
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;  
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08  
Котибият — 133-10-28;  
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 428, 29565 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — А. ХАЙДАРОВ. Навбатчи — Х. ЭШМАНОВ. Мусоҳиҳ — Ш. МАШРАББОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материалли.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 21.50  
1 2 3 4 5 6

### Кўнғиротнинг қадим кўбизи

Кўнғирот ўлкашунослик музейи ноёб экспонат билан бойиди. У машҳур қорақалпоқ оқини, Оролбўйи бахшичилик мактаби асосчиларидан бири Нурабулла жиrowга мансуб, деярли уч асрни «кўрган» қадимий кўбиздир. Кўбизни музейга улуг оқиннинг эвараси Турганбой Атамуратов тақдим этди.

Янгибой КҮЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Vinlad**  
Ҳаётингизни хотиржам қиламиш!

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН  
Испания **FERMAX**  
фирмасининг  
Европа сифати талабларига мос  
**АУДИО ва ВИДЕОДОМОФОНЛАРИ**  
Манзил: Тошкент ш., Қушбеги к., 18.  
Тел.: 50-99-13, 50-46-13, тел./факс 120-66-01  
E-mail: vinlad@naytov.com

# Ўсмирлар мусобақаси

Обод маҳалла йили мусобаати ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшлар топганлигининг икки йиллиги арафасида ҳаракатнинг Бухоро шаҳар Тўқимачилик тумани бўлими кенгаши ташаббуси билан ўсмирлар ўртасида бокс бўйича мусобақа ўтказилди.

Маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш ҳамда болалар спортини ривожлантиришда айнан мана шундай тадбир алоҳида аҳамият касб этмоқда.

лантириш жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими ходимлари иштирок этдилар.

Турнирда голибликни кўлга киритган 34 нафар спортчи ташкилотчи томонидан фахрий ёрликлар ва медаллар билан тақдирландилар.

Шунингдек, мусобақа голибларига тадбирга ҳомийлик қилган «Галлабанк» ва «Алоқабанк»нинг вилоят бўлимлари томонидан ажратилган махсус совғалар ҳам топширилди.

Баҳоқир ФАЙЗИЕВ.

**«MEDIZ»**  
ЎЗБЕКИСТОН-БРИТАНИЯ-ГЕРМАНИЯ-РОССИЯ ҚўШМА КОРХОНАСИ

- «MEDIZ» ҚК — Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатларида йилига 100 миллион донга бир маротабалик шприцлар ҳамда йилига 10 миллион донга инфузион ва трансфузион системаларни ишлаб чиқарувчи ягона корхона.
- «MEDIZ» ҚК — Германия, Швейцария, АҚШ ва Испаниянинг энг яхши ишлаб чиқариш ускуналарига эга.
- «MEDIZ» ҚК — бир маротабалик шприцларни йилига 250 миллион донгача ишлаб чиқаришга отказиш лойиҳасини амалга оширишга киришди.
- «MEDIZ» ҚК — маҳаллий ва хорижий инвесторларни (жисмоний ва юридик шахсларни) корхонани техник қайта қуроллаш дастурида қатнашишга таклиф этади.

Мулоқот учун шахс: Салихов Б.Г.  
Тошкентдаги телефонлар: 161-21-11, 161-21-03, факс 161-21-10.

**Суратларда ҳаёт манзаралари**

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Жалибай Изентаевнинг шахсий кўрғазмаси очилди. Кўрғазмада унинг юздан ортиқ энг сара ижод намуналари ўрин олган.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари анъаналарини ўзида мужассам этган санъат асарларида табиатнинг гўзал манзаралари, тарихдан сўзловчи воқеа ва ҳодисалар, замонамиз кишиларининг меҳнат жасоратлари ўз аксини топган.

«Оналик бахти», «Умид йўли», «Орол фожиаси», «Куз», «Амударё соҳилида» каби асарларда рассом ноёб истьедол соҳиби эканлиги намоён бўлади.

Камола МИРЗААХМЕТОВА, ўзМУ талабаси.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**  
ЭЪЛОНЛАР  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
9.00 дан 18.00 гача  
136-09-25  
132-10-63  
242-хона

2003 йил 5 июнь **ЭЪЛОН!** соат 10.00 да

№ 717 Самарқанд — Жиззах,	№ 796 Сирдарё — Самарқанд,
№ 733 Косонсой — Қўқон (Жумашуй орқали, Қўқон томондан),	№ 798 Самарқанд — Жарбулоқ,
№ 734 Асака — Кува (Асака томондан),	№ 809а Навоий — Ғиждувон,
№ 744 Андижон — Ҳаққулбод (Майгир орқали, Андижон томондан),	№ 818 Тошкент — Шахрисабз (Шахрисабз томондан),
№ 751 Андижон — Ҳаққулбод (Пойтўғ орқали, Андижон томондан),	№ 822 Окқўрғон — Гулистон (Окқўрғон томондан),
№ 756 Чуст — Андижон,	№ 863 Самарқанд — Гагарин,
№ 761 Марҳамат — Кува (Марҳамат томондан),	№ 884 Тошкент — Пойарик,
№ 763 Чинобод — Ҳаққулбод (Ҳаққулбод томондан),	№ 890 Марғилон — Хонобод (Хонобод томондан),
№ 771 Наманган — Марғилон (Марғилон томондан),	№ 891 Навоий — Жўш (Нурота орқали),
№ 772 Тошкент — Қарши (Қарши томондан),	№ 892 Қўқон — Поп (Хўжакишлоқ орқали),
№ 789 Тошкент — Ғиждувон (Ғиждувон томондан),	№ 905 Хазорасп — Тўртқўл (Тўртқўл томондан),
№ 790 Самарқанд — Навоий (Иштихон орқали, Самарқанд томондан),	№ 942 Фарғона — Хонобод (Фарғона томондан),
№ 799 Самарқанд — Пахтакор,	№ 1021 Сайхун — Самарқанд,
	№ 1029 Когон — Қизилтепа (Ғиждувон томондан),
	№ 1030 Ғиждувон — Қизилтепа (Ғиждувон томондан).

**Шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТҚАЗИЛАДИ**

Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобидан турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия.

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, «Анҳор бўйи» кўчаси, 4-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБ 2021000000745005012 махсус х/р (банк коди 00446, ИНН 202811527)га 15 мин сўм ўтказиб, 2003 йил 31 май соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим.

**Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2003 йил 4 июнь соат 17.00 гача қабул қилади.**

**ТЕНДЕР ўтказиш манзили:** Тошкент ш., Усмон Юсуфов к., 3-уй, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефон: 41-56-27, 41-18-10.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази директори Шерийқай Шерматовга онаси Шарофат ХАЙМАТОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Узавтоўл» давлат акционерлик концерни жамоаси Иқтисодий таҳлил, режа, ҳисоб ва статистика бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маҳмуд Жумабоевга отаси, Тахиятош махсус йўл-кўприк бошқармаси бошлиғи Муратбай ЖУМАБОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«O'zgeoneftegazbucbuqarish» акциядорлик компаниясининг «Ishlab chiqarish texnik ta'minlash va birlash boshqarmasi» меҳнат жамоаси Қороулбозор техник хизмат кўрсатиш ва бутлаш базаси директори А. Қосимова умр йўлдоши Марҳамат ҚОСИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**ХАЛҚ БАНКИ** — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!